

«АНДИЖОН БИОКИМЁ ЗАВОДИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
Б А Ё Н Н О М А С И

«Андижон биокимё заводи» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 30 август куни, соат 10-00 да жамият маъмурий биносида (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 12-уй манзилида) бўлиб ўтди.

2021 йил 30 августдаги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан санок комиссия шахсий таркибига киритилган аъзоси Б. Гиёсов жамият томонидан жами 5 955 477 дона акция чиқарилганлиги, умумий йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш натижаларига кўра йиғилиш ўтказилиши белгиланган вақтга акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари 5 721 903 дона акция билан рўйхатдан ўтганлигини, бу эса овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларга нисбатан 96,08 фоизни ташкил этганлигини маълум қилиб умумий йиғилишни очиш мумкинлигини билдирди. Умумий йиғилишни очиш масаласи акциядорлар тарафидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидагилар очик овоз бериш йўли билан тасдиқлаб олинди:

Йиғилиш Президиуми уч кишидан иборат қуйидаги таркибда сайланди:

- Ғ. Ғ. Мадакимов - жамият кузатув кенгаши аъзоси.
- Ф.Й. Тўракулходжаев - жамият бошқарув раиси ўринбосари.
- М.Ш. Мамасолиев - жамиятнинг иқтисодиёт ва режалаштириш бўйича директори.

Йиғилиш раиси этиб Ғ. Ғ. Мадакимов ва котиби этиб А. Қадирова сайланди.
Овоз бериш тартиби - бюллетен орқали.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. **Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**
2. **Санок комиссияси таркибини сайлаш.**
3. **Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**
4. **Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.**
5. **Жамиятнинг уч йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги **биринчи ва иккинчи** масалалар бўйича йиғилиш раиси Ғ.Мадакимов сўз олиб бугунги умумий йиғилишнинг регламентини қуйидагича белгилашни таклиф этди:

- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чиқувчиларга 5 дақиқадан;
- таклиф ва мулохазалар учун 5 дақиқадан.
- Кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 15 минут.

Яна у ўз сўзида санок комиссияси шахсий таркибига жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинган қуйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

- Б. Гиёсов (жамият ходими)
- У.Рахимов (жамият ходими)
- Б. Ғойиббердиев (жамият ходими)

Кун тартибидаги **учинчи ҳамда тўртинчи** масалалар юзасидан Ф.Й. Тўракулходжаев сўз олиб жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссия аъзолигига қўйилган номзодларни акциядорларга таништирди ва бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамиятнинг режа ва меҳнат бўлими бошлиғи У.Рахимов «Андижон биокимё заводи» АЖ нинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган 3 йиллик бизнес-режасини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди (бизнес-режа илова қилинади) ҳамда ушбу бизнес-режани тасдиқлаб беришларини сўради.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги муҳокама этилган масалалар бўйича ўз овозларини бюллетенларда акс эттиришини ва якуний овозларни ҳисоблаш учун санок комиссия аъзоларига

бюллетенларни топширишларини сўради. Кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш яқунлари бўйича маълумотларни ўқиб эшиттириш учун санок комиссияси раиси Б. Ғиёсовга сўз берилди. Б. Ғиёсов овоз бериш натижалари бўйича санок комиссиясининг якуний баённомасини ўқиб эшиттирди (баённома илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чиқувчиларга 5 дақиқа;
 - таклиф ва мулоҳазалар учун 5 дақиқа.
 - Кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 15 дақиқа;
- Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси шахсий таркибига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:

- Б. Ғиёсов (жамият ходими)
- У.Рахимов (жамият ходими)
- Б.Гойиббердиев (жамият ходими)

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

3. Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра энг кўп овоз олган қуйидаги шахслар жамият кузатув кенгаши аъзолари этиб сайлансин:

- 3.1. Мурадов Баҳром Акрамжонович - Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси. (5721911 овоз)
- 3.2. Дехонов Шерзод Хондамирович - Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси. (5721820 овоз)
- 3.3. Максумова Дилдора Алишеровна – Молия Вазирлиги бўлим бошлиғи. (5721901 овоз)
- 3.4. Умурзаков Лутфулло Хасанбоевич – Давлат солиқ қўмитаси Департамент директори. (5721879 овоз)
- 3.5. Мадакимов Ғайрат Ғуломжонович - Давактив агентлиги Департамент бошлиғи ўринбосари. (5722027 овоз)
- 3.6. Алимжанов Артикмирза Муқимжанович – Давактив агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи. (5722228 овоз)
- 3.7. Суюнов Дилмурод Холмуродович – Бизнес ва тадбиркорлик мактаби илмий ходими (Мустақил аъзо). (5721555 овоз)

4. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

4.1. Султанов Элдорбек Арисланбекович - Давактив агентлиги бошқарма бошлиғи.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

4.2. Хуррамов Одил Азаматович – Давактив агентлиги бош мутахассиси.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

4.3. Абдувалиева Фарида Абдурахимовна – Давактив агентлиги бош мутахассиси.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

5. Жамиятнинг уч йилга мулжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 721 903 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



Ғ.Мадакимов

А.Кадирова